Масьулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик
ташкилоти

Манзил:Кашкадарё Вилояти, Карши шахри,730000, Насаф кучаси 19-уй.Тел, ++99891,453,79,14.
Банк: Кишлок курилиш Карши Ш.,код **МФО** 00155,**Х/р**.20208000604347269001**СТИР:**205192434,**ОКОНХ** 84400
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 15 октиябр кунидаги №-00614-сонли лицензиясига эга.

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Мен Караев Абдусаттор Сафарович **Масьулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»** аудитор ташкилотининг аудитори(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 28- февралдаги № 05289 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект **“Қашқадарё Технологик Транспорт” АЖнинг** Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисооти) дан иборат

2016 йил ҳисобот даври учун 01.01.2017 йил ҳолатидаги тузилган молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **“Қашқадарё Технологик Транспорт” АЖнинг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

“Қашқадарё Технологик Транспорт” АЖ 2016 йил якуни бўйича 231979,0 минг сўм соф фойда билан якунлаган.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **“Қашқадарё Технологик Транспорт” АЖнинг** 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ш.Жовлиев**

Аудитор: **А.Караев.**
25.04.2017 йил